

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

БАХРИДДИНОВ ХАБИБУЛЛО ЗУХРИДДИНОВИЧ

**11-15 Ёшли ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини
ривожлантириш методикасини такомиллаштириш**

13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Бахриддинов Ҳабибулло Зухриддинович

11-15 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш
методикасини такомиллаштириш.....3

Бахриддинов Ҳабибулло Зухриддинович

Совершенствование методики развития физических качеств
учащихся 11-15 лет.....29

Bakhriddinov Khabibullo Zukhriddinovich

To improve the methodology for the development of the physical quality of students
aged 11-15.....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....57

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

БАХРИДИНОВ ХАБИБУЛЛО ЗУХРИДИНОВИЧ

**11-15 Ёшли ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини
ривожлантириш методикасини такомиллаштириш**

13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Ped.1442 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzdjtsu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тажиббаев Сойиб Самижонович
педагогика фанлари доктори (DSc), профессор

Расмий оппонентлар:

Алламуратов Шухратулла Иноятович
биология фанлари доктори, доцент

Ҳасанов Аҳаджон Турсинович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03.30.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” “_____” соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-37-717-17 79,717-27-27, факс.: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маъмурий биноси, 2 - қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй).

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ кунни тарқатилган.
(2022 йил “___” _____ да рақамли реестр баённомаси).

М.Р.Болтабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамоллов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д (PhD), доцент

Ф.А.Керимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда замонавий спортнинг ривожланиши ва спортда эришилган ютуқларнинг динамикаси шундай даражага етдики, мавжуд натижаларни яхшилаш учун янги технологияларни яратишни, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг жисмоний сифатларини ривожлантиришни, жисмоний тарбия ва спортнинг муҳим назарий ва амалий, педагогик, физиологик ва бошқа ресурсларини сарфлашни талаб қилмоқда. Шу сабаб, умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларидан бошлаб, ўқувчиларда жисмоний тайёргарликни илк босқичларини амалга ошириш лозим. Ҳозирги кунда, дунёнинг барча давлатларида мактаб ўқувчилари орасида жисмоний тарбия ва спортга катта аҳамият қаратишни давлат сиёсати даражасига олиб чиқиш, аҳолини соғломлаштириш ва спорт турларига жалб қилиш бўйича қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларини умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича ўқувчиларнинг жисмоний фаоллиги, жисмоний тайёргарлиги, ривожланишнинг ёшга хос хусусиятлари, ўғил болаларнинг мушак кучини ривожлантириш, бошланғич ҳамда юқори синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларида машқлар юкмасини меъёрлаш, жисмоний сифатлар (куч, чاقқонлик, тезкорлик, чидамлилиқ, эгилувчанлик)ни ривожлантиришнинг восита ва усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Умумтаълим мактабларида таҳсил олувчи 5-9-синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда, жисмоний сифатларини ривожлантиришда махсус машқлардан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш ва тадқиқотларда илмий асослаш зарурати юзага келган.

Республикамизда, сўнги йилларда ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш масаласига давлат сиёсати даражасида қаралиб, ундан миллат генофондини соғломлаштириш, жисмонан ва интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялашнинг кафолатли воситаси ва миллий истиқлол ғояларини тарғиб қилишда стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим соҳа сифатида фойдаланилмоқда. Бугунги кунда “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этиш”¹ устувор йўналишлардан бирига айланган. Айниқса, ўқувчиларни ҳар томонлама соғлом, мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга шахс сифатида тарбиялаш, бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири сифатида қайд этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги 864-сон “Ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказиладиган республика спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш” тўғрисидаги Қарори. Lex.uz.

таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли, 2019 йил 16 январдаги “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4119-сонли Қарорларида, 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-947-сонли, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сонли Фармонларида ҳамда мазкур соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал қилишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” билан боғлиқ устивор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хориж олимларининг илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш натижасида маълум бўлдики, жисмоний тарбия бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, В.К.Бальсевич, Л.И.Лубишева, С.В.Рибалкина, Ю.Ф.Курамшин, В.А.Богданова, Г.В. Жулина, Н.И.Чуктурова, А.Н.Кондратьев, В.А.Баранов ва бошқаларнинг ишлари умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини такомиллаштиришга ыаратилган.²

В.П.Филин, В.Г.Никитушкин, Л.В.Волков, В.Е.Котешов, Т.Бомпа ва бошқа мутахассислар ёш спортчилар заҳираларини тайёрлаш тизими, болалар ва ўсмирлар учун спорт машғулотлари, болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда машғулот юкламаларини режалаштириш услубиятини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришган³.

² Бальсевич В.К., Лубышева Л.И. Физическая культура: молодежь и современность / Теор. и практ. физ. культ., Т., 1995.- С. 2-7.; Рыбалкина С.В. Выбор средств физической подготовленности школьников на основе учета их оздоровительной эффективности: Автореф. дис. кан. пед. наук. - Малаховка, 1996.-18 с.; Курамшин Ю.Ф. Методы обучения двигательным действиям и развития физических качеств: Теория и технология применения. Учебное пособие.-СПб., 1998.-С. 2-7.; Богданова В.А. Дифференцированный подход в физкультурном образовании младших школьников. Автореф. дис...кан.пед.наук. Тюмень, 2001.- 22 с.; Жулина Г.В. К проблеме здоровья и здорового образа жизни человека / Проблемы здоровья человека. Развитие физической культуры и спорта в современных условиях: Материалы межрегиональной научно-практической конференции, посвященной 55-летию ФФК СГУ. - Ставрополь: Изд-во - СГУ., 2002.-С. 179-181.; Чуктурова Н.И. Педагогические условия валеологического сопровождения образовательного процесса в начальной школе. Автореф. дис...кан.пед.наук. – Санкт-Петербург, 2004.-22 с.; Лубышева Л.И., Кондратьев А.Н. Здоровье формирующая технология физического воспитания младших школьников на основе использования традиционного каратэ / Физическая культура: воспитание, образование, тренировка, №3.-М., 2006.-С. 5-13.; Баранов В.А. Методика учебнотренировочного процесса пловцов на этапе начальной подготовки на основе дифференцированного подхода. Автореф. дис...кан.пед.наук. Тамбов, 2012.-22 с.

³Филин В.П. Воспитательная работа с юными спортсменами / Система подготовки спортивного резерва. - М.: ВНИИФК, 1994.-С. 57-90.; Система подготовки спортивного резерва / Под общ. Ред. В.Г. Никитушкина - М., 1994.-319 с.; Волков Л.В. Спортивная подготовка детей и подростков. - К.: Вежа, 1998.-190 с; Котешов В.Е. Методология управления адаптацией спортсменов к специальным двигательным действиям в спорте. Автореф.

Мамлакатимиз олимларидан Р.С.Саломов мактаб ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва тайёргарлигининг ёшга хос хусусиятларини, Т.С.Усмонхўжаев болаларнинг жисмоний фаоллиги билан жисмоний ривожланиши орасидаги боғлиқликнинг илмий-педагогик асосларини, Х.Х.Солиев тана тузилиши типи ва ривожланиши варианты ҳар хил бўлган 7-12 ёшли ўғил болалар мушак кучини ривожлантиришни, А.Т.Содиқов I-IV синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларида машқлар юкламасини меъёрлаш, Б.Г.Бойбобоев жисмоний тарбия дарсларида 11-14 ёшли ўғил болалар учун юкламани меъёрлаш масалаларини, О.В.Гончарова болаларнинг куч, чаққонлик, чидамлилиқ, эгулувчанлик сифатларини ривожлантиришнинг восита ва усулларини тадқиқ қилганлар⁴.

Мавжуд илмий-услубий адабиётлар манбаларини таҳлиliga кўра, 11-15 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини (куч, тезкорлик, чидамлилиқ, эгулувчанлик) ривожлантириш методикасини такомиллаштириш жуда муҳим муаммо сифатида кенг муҳокама қилиниб келинмоқда. Умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия дарсларида кичик, ўрта ва юқори мактаб ёшидаги ўқувчиларининг жисмоний сифатларини ривожлантириш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда уни самарадорлигини педагогик тажрибаларда ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурати долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг V.I/2 “Ўқувчи-ёшларни жисмоний қобилиятларини, жисмоний сифатларини ривожлантириш усуллари, янги инновацион технологияларни самарадорлигини аниқлаш” мавзуси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади 5-9-синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларида ҳаракат тайргарлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўқувчилар тайёргарлигини кросс машғулотларида фортлек усулида мушак кучланишини олдини олишга қаратилган тезкор-куч талаб этадиган даврий машқларни қўллаш ҳисобига 11-15 ёшлиларда чидамлилиқ сифатини самарали ривожлантириш;

дисс.... доктор. пед.наук. / В.Е. Котешов. - Краснодар, 1998.-45 с.; Подготовка юных чемпионов: Пер. с англ. / Т.Бомпа-М.: ООО “Издательство Астрель”: ООО “Издательство АСТ”, 2003.-XII, 259, с.

⁴ Саломов Р.С. Спорт машқларида қўлланиладиган усуллар. Т., Узавтотранстехника. 1991.-31 б.; Усмонхўжаев Т.С. Научно-педагогические основы физического совершенствования детей в связи с их двигательной активностью: Автореф. дис...док.пед.наук. Т., 1995.-50 с.; Солиев Х.Х. Тана тузилиши типи ва ривожланиши варианты ҳар хил бўлган 7-12 ёш ўғил болалар мушак кучини ривожлантириш. пед...фан.номз.дис. Т.1997.-130 б.; Содиқов А.Т. I-IV синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларида машқлар нагрукасини меъёрлаш. пед...фан.номз.дис. Т.1997.-130 б.; Бойбобоев Б.Г. Жисмоний тарбия дарсларида 11-14 ёшли ўғил болалар учун нагрукани меъёрлаш. 1999.-162 б.; О.В.Гончарова Болаларнинг жисмоний сифатларини тарбиялаш. Ўқув қўлланма. Тошкент – 2015.-204 б.

11-15 ёшли ўқувчиларнинг ҳаракат тайёргарлигида мушакларни бўшаштириш ва таранглаштиришга қаратилган фундаментал базани шакллантирувчи махсус машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш;

эгиловчанлик жисмоний сифатини ривожлантириш учун 11-15 ёшли ўқувчиларнинг алоҳида бўғим ва мушакдаги динамик суст ҳаракатларни статик кучланиш билан бажариладиган машқларни услубиятини такомиллаштириш;

11-15 ёшли ўқувчиларнинг ҳаракат тайёргарлигини ошириш учун экстенсив методи бўйича бажарилаётган ҳаракатнинг бурчак ўзгаришидаги мушак зўриқиши кучининг ушлаб туриш ҳисобига ошириш усуллари такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 125-сонли умумтаълим мактаби юқори синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарслари жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини жисмоний тарбия дарсларида юқори синф ўқувчиларининг жисмоний сифатларини ривожлантириш жараёни ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари тадқиқотда илмий-услубий адабиётлар таҳлили, анкета сўровномаси, педагогик кузатув, педагогик тестлаш, пульсометрия, антропометрия, педагогик тажриба ва математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

11-15 ёшли ўқувчиларнинг тайёргарлигини ошириш учун кросс машғулотидаги фортлек усулида (паст-баланд жойларда) юқорига кўтарилаётганда чегаравий бўлган тезланиш бўйича мушакнинг максимал кучга юқори даражада таъсир этиш ҳамда пастга тушаётганда суръатни пасайтириб, мушак кучланишининг олдини олишга қаратилган тезкор-куч талаб этадиган даврий машқларни (сакрашлар) қўллаш ҳисобига чидамлик сифатини самарали ривожлантириш имконияти кенгайтирилган;

11-15 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришнинг ҳаракат тайёргарлигида тананинг тўғри ҳолатини шакллантириш учун кўкрак, ўмров, елка, оёқ, бўғимидаги чўзилиш орқали мушакларни бўшаштириш ва таранглаштиришга қаратилган фундаментал базани шакллантирувчи махсус машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш ҳисобига машғулотга тайёрлаш методикаси такомиллаштирилган;

11-15 ёшли ўқувчиларнинг эгиловчанлик жисмоний сифатини ривожлантириш учун алоҳида бўғим ва мушаклардаги динамик суст ҳаракатларни статик кучланиш билан бажариладиган жуфтликда чўзилишга йўналтирилган машқларни аралаш усулда қўллаш ҳисобига жисмоний тайёргарлигини ошириш услубияти такомиллаштирилган;

11-15 ёшли ўқувчиларнинг ҳаракат тайёргарлигини ошириш учун экстенсив метод бўйича (кичик оғирликдаги юкни кўп маротаба кўтариш) бажарилаётган ҳаракатнинг бурчак ўзгаришидаги мушак зўриқиши кучининг қийинроқ фазасида оғирликни ушлаб туриш ҳисобига куч сифатини ошириш имконияти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

кросс машғулотларидаги фортлек усулида (паст-баланд жойларда) тезкор-куч талаб этадиган даврий машқларни (сакрашлар) қўллаш ҳисобига чидамлилик сифатини самарали ривожлантириш имконияти 11-15 ёшли ўқувчиларга мослаштирилган;

ҳаракат тайёргарлигида тананинг тўғри ҳолатини шакллантириш учун кўкрак, ўмров, елка, оёқ бўғимларидаги чўзилиш орқали мушакларни бўшаштириш ва таранглаштиришга қаратилган фундаментал баъзани шакллантирувчи махсус машқлар мажмуаси ишлаб чиқилган;

эгиловчанлик жисмоний сифатини ривожлантириш учун алоҳида бўғим ва мушакдаги динамик суст ҳаракатларни статик кучланиш билан бажариладиган жуфтликда чўзилишга йўналтирилган машқлари шакллантирилган;

экстенсив методи (кичик оғирликдаги юкни кўп маротаба кўтариш) 11-15 ёшли ўқувчилар куч сифатини ошириш имконияти бўйича машқлар мажмуаси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий назариялар, тадқиқот предмети, мақсади ва вазифаларига мос кенг қамровли замонавий педагогик ҳамда математик-статистик услублардан мантиқан амалий фойдаланилганлиги, тажриба натижаларини қайта ишлаб чиқишда сон ва сифат таҳлилларнинг уйғунлиги, тажриба материалининг математик тўғри ишлаб чиқилганлиги, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги хорижий ҳамда республикамиз олимлари, соҳа фаолиятидаги амалиётчи мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи омиллар тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот жараёнида олинган натижаларга асосланиб умумтаълим мактабларининг 11-15 ёшли ўқувчилари жисмоний тайёргарлигини инобатга олган ҳолда жисмоний тарбия дарсларини олиб боришда ўқув дастурини ўқувчиларнинг ёшини ортиб бориши жараёнидаги жисмоний сифатларини ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилган ва улардан фойдаланишнинг илмий жиҳатлари очиқ берилган, жисмоний сифатларнинг ривожланиши самарадорлиги амалий жиҳатдан исботланган бўлиб, олинган маълумотлар жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги назарий билимларни бойитиш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, 11-15 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган машқлар мажмуасидан фойдаланиш, ўқувчиларнинг ҳаракат тайёргарлигини такомиллаштирилган методикасини дарс машғулотлари жараёнига татбиқ қилиш имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 11-15 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

11-15 ёшли ўқувчиларнинг ҳаракат тайёргарлигида фортлек усулидаги кросс машғулотларида мушак кучланишининг олдини олишга қаратилган тезкор-куч талаб этадиган даврий машқларни (сакрашлар) қўллаш ҳисобига чидамлик сифатини самарали ривожлантириш методикаси Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 125-сонли умумтаълим мактаби 5-9-синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 15 октябрдаги 02-07-08-2769-сон маълумотномаси). Натижада, 11 ёшли ўқувчиларининг чидамлик сифати – 19,6%га, 12 ёшлиларники – 18,8%га, 13 ёшлиларники – 19,9%га, 14 ёшлиларники – 21,5%га, 15 ёшлиларники – 21,5% га яхшиланган;

11-15 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш учун ҳаракат тайёргарлигида мушакларни бўшаштириш ва таранглаштиришга қаратилган фундаментал базани шакллантирувчи осилиш билан бажариладиган машқлар мажмуаси Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 125-сонли умумтаълим мактаби 5-9-синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги 654-сон буйруғи, 654-085-сонли гувоҳнома). Натижада, 11 ёшли ўқувчиларининг тезкор-куч сифати – 18,2%га, 12 ёшлиларники – 20,4% га, 13 ёшлиларники – 21,7%га, 14 ва 15 ёшлиларники – 20,4%га яхшиланган;

11-15 ёшли ўқувчиларнинг эгилувчанлик жисмоний сифатини ривожлантириш учун алоҳида бўғим ва мушаклардаги динамик султ ҳаракатларни статик кучланиш билан бажариладиган машқлар услубияти Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 125-сонли умумтаълим мактаби ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 15 октябрдаги 02-07-08-2769-сон маълумотномаси). Натижада, 11 ёшли ўқувчиларининг эгилувчанлик сифати – 20%га, 12 ёшлиларники – 21,1%га, 13 ёшлиларники – 18,8%га, 14 ва 15 ёшлиларники – 19,6%га яхшиланган;

11-15 ёшли ўқувчиларнинг ҳаракат тайёргарлигини ошириш учун экстенсив метод талаблари бўйича бажарилаётган ҳаракатнинг бурчак ўзгаришидаги мушак тортишиш кучини ушлаб туриш ҳисобига ошириш усуллари Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 125-сонли умумтаълим мактаби 5-9-синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 15 октябрдаги 02-07-08-2769-сон маълумотномаси). Натижада, 11 ёшли ўқувчиларининг куч сифати – 21,4%га, 12 ёшлиларники – 20%га, 13 ёшлиларники – 20,7% а, 14 ёшлиларники – 21,2%га, 15 ёшлиларники – 20,6%га яхшиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари халқаро миқёсдаги 4 та илмий-назарий, илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола (2 та республика ва 2 та хорижий илмий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулосалар ва амалий тавсиялардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 125 бетни ташкил этади, 18 та расм, 13 та жадвал билан ёритилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Умумтаълим мактабларида таҳсил олувчи мактаб ўқувчиларининг жисмоний сифатларини ривожлантиришнинг замонавий муаммолари”** деб номланган биринчи бобида мактаб ўқувчиларининг жисмоний ривожланиш динамикаси хусусиятлари, катта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини тарбиялаш услубиятлари, мактаб ёшидаги болаларнинг жинсий балоғатга етиш даврида ўзига хос жисмоний тайёргарлиги, болалар ва ўсмирларнинг конституционал хусусиятлари ва жисмоний ҳолатларининг ўзаро боғлиқлиги юзасидан маълумотлар келтирилган.

Мутахассислар ва соҳанинг етук олимларини фикр мулоҳазаларига кўра, айнан мактаб ёшида тўлақонли жисмоний ривожлантириш ва жисмоний сифатларни тарбиялаш 11-15 ёшлар оралиғига тўғри келади. Бу даврда, болаларда зарур ҳаракат кўникмалари яхши ўзлаштирилиб, мустаҳкамланади.

Мактаб ўқувчиларининг жисмоний сифатларини тарбиялаш услубларини таҳлил қилиш, 11-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний ривожланишини фаоллаштирувчи ҳамда жисмоний сифатларини ривожлантирувчи воситаларни танлаш ва амалиётга татбиқ этиш юзасидан кўпгина илмий изланишлар олиб борилганлигини кўрсатди. Лекин, шу ўринда, жисмоний тарбия дарсларида 11-15 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришда қўлланиладиган восита ва усуллари шуғулланувчиларнинг ёшига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда қўлланилиши ҳажми ва жадаллигини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Мактаб ёшидаги болаларнинг жинсий балоғатга етиш даврида ўзига хос жисмоний тайёргарлигини ўрганишга оид адабиётларнинг таҳлили қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон берди:

- антрополог олимларнинг кўпчилик маълумотларида болаларнинг жисмоний ривожланиши қонуниятларини, уларнинг морфологик ва функционал хусусиятларини, жисмоний сифатларини ривожлантиришни ёшга боғлиқ жиҳатлари очиб берилган. Физиолог олимларнинг таъкидлашича иккинчи болалик даври ўғил болаларда – 8-12 ёшга, ўспиринлик даври – 13-16 ёшга тўғри келади;

- мавжуд маълумотларга кўра, 11-15 ёшли умумтаълим мактаби ўқувчиларининг жисмоний сифатларини ривожлантиришда қўлланиладиган восита ва усуллар борасида етарлича илмий ишланишлар олиб борилмаган. Таҳлил қилинган маълумотлар, кўрсатилган қарама қаршилиқни енгиб ўтиш учун болаларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш юзасидан машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш зарур.

Диссертациянинг **“Тадқиқот услублари ва уни ташкил этиш”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг мавзуси юзасидан илмий-услубий адабиётларни таҳлили, анкета-сўровнома, педагогик кузатув, педагогик тестлаш, пульсометрия, антропометрия, педагогик тажриба ва математик-статистик усуллар ҳамда тадқиқотни ташкил этиш юзасидан маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотлар 2016-2019 йиллар давомида 3 босқичда амалга оширилган.

Ҳар бир босқичнинг мақсад ва вазифалари тадқиқотнинг умумий мақсадидан келиб чиқиб белгиланган.

Биринчи (2016-2017 йиллар) – назарий изланишлар босқичида ўрганилаётган масала бўйича мавжуд илмий ва амалий ҳолат таҳлил қилинди. Шунингдек, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгиланди, тадқиқотнинг таҳмини ишлаб чиқилди, 11-15 ёшли мактаб ўқувчиларида мулоқотга кириша олиш қобилиятининг ўзига хос хусусиятларига ташхис қўйиш амалга оширилди, уларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси аниқланди. Бошланғич тайёргарлик босқичида мактаб ўқувчиларида жисмоний сифатлар ва мулоқотга кириша олиш қобилияти кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар аниқланди.

Тадқиқотнинг иккинчи (2017-2018 йиллар) – шакллантирувчи тажрибалар босқичида ҳаракатли ўйинлар орқали 11-15 ёшли ўқувчиларида мулоқотга кириша олиш қобилиятига йўналтирилган таъсир кўрсатиш бўйича муаллифлик методи ишлаб чиқилди ва амалиётда синовдан ўтказилди. Бунда, тажрибалар йили бўйича белгиланган дастурларни амалга ошириш 9 ойга тақсимлаб режалаштирилди (сентябрь-май).

Тадқиқотнинг учинчи босқичида (2018-2019 йиллар) 11-15 ёшли мактаб ўқувчилари билан ўтказиладиган машғулотлар бўйича ишларнинг назарий-услубий жиҳатларига аниқлик киритиш, тажриба натижаларини математик статистика усуллари асосида таҳлилий умумлаштириш, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш юзасидан белгиланган ишлар амалга оширилди. Ушбу босқичнинг яқунловчи қисмида тажриба натижалари умумлаштирилди ва математик статистика усуллари ёрдамида қиёсий таҳлил қилинди.

Диссертациянинг “11-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва тайёргарлигининг ёшга хос динамикаси” деб номланган учинчи бобида 11-15 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний ривожланишини ёшга хос динамикаси юзасидан маълумотлар келтирилган.

Умумтаълим мактабларида таҳсил олувчи 11 ёшли ўқувчиларнинг 60 м масофага югуриш бўйича натижалари ўқув йили бошида $11,5 \pm 1,4$ сонияга тенг, ўқув йили охирида эса, бу кўрсаткич ўртача $11,2 \pm 1,1$ сонияга тенг бўлган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

11 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини йиллик динамикаси (n=255)

Т/р	Назорат машқлари ва ўлчов бирлиги	Ўқув йилининг бошида		Ўқув йилининг охирида		Фарқи	%	t	P
		X±σ	V%	X±σ	V%				
1.	60 м югуриш (сония)	11,5±1,4	12,1	11,2±1,1	9,8	0,3	7,4	1,51	>0,05
2.	1000 м югуриш (сония)	388,41±0,59	1,5	355,26±0,51	1,4	0,33	13,1	1,33	>0,05
3.	Баланд турникда тортилиш (марта)	2,8±0,44	15,7	3,2±0,40	12,5	0,4	14,3	0,99	>0,05
4.	Югуриб келиб узунликка сакраш (см)	260,1±8,53	3,2	278,6±7,12	2,5	18,5	7,1	0,64	>0,05
5.	Турган жойидан узунликка сакраш (см)	142,4±6,20	4,3	152,7±5,51	3,6	10,3	7,2	1,53	>0,05
6.	Теннис тўпини улоқтириш (метр)	18,7±1,0	5,3	21,8±1,4	6,4	3,1	16,6	1,20	>0,05

Ушбу ёшдаги ўқувчилар жисмоний тайёргарлиги натижаларининг йиллик ўсишидаги фарқ 0,3 сонияга тенглигини аниқланди (7,4%). Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончли эмас (P>0,05)

Куч сифатининг ривожланганлик ҳолатини аниқлаш бўйича ўтказилган тестлаш (баланд турникда тортилиш) натижаси йил бошида ўртача – $2,8 \pm 0,44$ мартани, йил охирига келиб – $3,2 \pm 0,40$ мартани ташкил қилган. Фарқ 0,4 мартага тенг, натижа 14,3% га яхшиланган.

5-синф ўқувчиларининг 1000 м масофага югуриш бўйича назорат тести натижалари ўқув йили бошида ўртача – $388,41 \pm 0,59$ (6;28,41) сонияга тенг бўлиб, (V=1,5%), ўқув йили охирида – $355,26 \pm 0,51$ (5;55,26) сонияга етганлиги аниқланган (V=1,4%). 1000 м масофага югуриш назорат машқи бўйича кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқ ишончли эмас (P>0,05).

Югуриб келиб узунликка сакраш назорат машқи кўрсаткичлари 11 ёшли ўқувчиларда йил бошида $258,1 \pm 8,53$ см.га, йил охирида – $272,6 \pm 7,12$ см.га тенг бўлган, натижа 9,5% га ўсган.

Турган жойидан узунликка сакраш назорат машқи бўйича йил бошида ўртача кўрсаткич – $139,4 \pm 6,20$ см.га ва ўқув йили охирида – $148,7 \pm 5,51$ см.га тенг бўлган.

Теннис тўпини улоқтириш назорат машқлари бўйича натижалар ўртача $18,7 \pm 1,0$ м.дан то $21,8 \pm 1,4$ м.гача яхшиланган ($V=6,4\%$).

Умумтаълим мактаблари 12 ёшли ўқувчиларининг 60 м масофага югуриш бўйича натижалари ўқув йили бошида ўртача – $11,0 \pm 1,5$ сонияни, ўқув йили охирида эса – $10,8 \pm 1,7$ сонияни ташкил қилган (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

12 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини йиллик динамикаси (n=246)

Т/р	Назорат машқлари ва ўлчов бирлиги	Ўқув йилининг бошида		Ўқув йилининг охирида		Фарқи	%	t	P
		X±σ	V%	X±σ	V%				
1.	60 м югуриш (сония)	11,0±1,5	13,6	10,8±1,7	15,7	0,2	1,8	1,44	>0,05
2.	1000 м югуриш (сония)	326,12±1,9	5,8	298,35±0,45	1,5	0,28	14,8	0,84	>0,05
3.	Баланд турникда тортилиш (марта)	3,1±0,46	14,8	3,6±4,4	22,2	0,5	16,1	1,68	>0,05
4.	Югуриб келиб узунликка сакраш (см)	281,2±6,35	2,2	298,5±6,43	2,1	17,3	6,1	1,52	>0,05
5.	Турган жойидан узунликка сакраш (см)	156,4±6,42	4,1	165,1±5,24	3,2	9,7	5,6	1,21	>0,05
6.	Теннис тўпини улоқтириш (метр)	22,3±1,7	7,6	27,5±1,4	5,1	5,2	23,3	0,75	>0,05

Ушбу ёшдаги ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги натижаларидаги йиллик ўсиш фарқи 0,2 сонияга (1,8%) тенг бўлган. Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқларда ишончлик мавжуд эмас ($P>0,05$).

6-синф ўқувчиларидан 1000 м масофага югуриш бўйича назорат тестлари қабул қилинганда, натижалар ўқув йили бошида ўртача – $326,12 \pm 1,9$ (5;26,12) сонияга ($V=5,8\%$) тенг бўлиб, ўқув йили охирида – $298,35 \pm 0,45$ (4;58,35) сонияга ўзгарганлиги аниқланди ($V=1,5\%$). 1000 м масофага югуриш бўйича назорат машқлари кўрсаткичлари орасидаги статистик фарқ ишончли эмас ($P>0,05$).

Куч сифатини ривожланганлик ҳолатини аниқлаш учун баланд турникда тортилиш бўйича ўтказилган тестлаш натижаси йил бошида ўртача – $3,1 \pm 0,46$ мартани, йил охирига келиб $3,6 \pm 4,4$ мартани ташкил қилган, натижалар 0,5 та фарқи билан 16,1% га ортган.

Югуриб келиб узунликка сакраш назорат машқлари 12 ёшли ўқувчиларда йил бошида – $275,2 \pm 6,35$ см.ни, йил охирида – $292,5 \pm 6,43$ см.ни ташкил қилганлигини, яъни 9,4% ўсганлигини кўриш мумкин.


Турган жойидан узунликка сакраш назорат машқларида кўрсаткич ўқув йили бошида ўртача – $149,4 \pm 6,42$ см.ни ва йил охирида – $160,1 \pm 5,24$ см.ни ташкил этди.

Теннис тўпини улоқтириш назорат тестларида, натижа – $22,3 \pm 1,7$ м.дан – $27,5 \pm 1,4$ м.га етган ($V=5,1\%$).

Жисмоний тайёргарлик даражаси ҳар хил бўлган 13 ёшли ўқувчиларнинг 60 м масофага югуриш бўйича машқлари натижалари ўқув йили бошида ўртача

– $10,4 \pm 1,6$ сонияга, ўқув йили охирида ўртача – $10,0 \pm 1,6$ сонияга тенг бўлган ($V=12,0\%$) (1-расмга қаранг).

(дақиқа, сония, %)



1-расм. 13 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикаси (n=312)

Изоҳ: НГ ЎЙБ – назорат гуруҳи ўқув йилининг бошида, ТГ ЎЙБ – тажриба гуруҳи ўқув йилининг охирида


13 ёшли ўқувчиларнинг 1000 м масофага югуриш бўйича натижалари ўқув йили бошида – $299,43 \pm 1,5$ (4;59,43) сонияга, ўқув йили охирида – $275,04 \pm 1,2$ (4;35,04) сонияга тенглиги аниқланди. 13 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги натижаларидаги фарқ 0,36 сонияни ташкил этиши маълум бўлди (5,34%). Узоқ масофаларга югуриш бўйича гуруҳларда катта фарқ кузатилмади.

14 ёшли ўқувчиларнинг баланд турникда тортилиш назорат тестларидаги натижалар ўқув йили бошида – $4,9 \pm 0,74$ марта бўлган бўлса, йил охирига келиб бу натижалар – $5,4 \pm 0,53$ мартага етди, тортилишлар сони 0,5 та фарқ билан 9,5% га ортанлиги аниқланди. Натижалар таҳлили маълумотларига кўра кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқ ишончли эмас ($p > 0,05$) (2-расмга қаранг).

Тезкор-куч жисмоний сифатини аниқлаш доирасидаги назорат машқларидан теннис тўпини улоқтириш машқининг йил бошидаги ўртача натижаси – $31,2 \pm 2,1$ м.га ва ўқув йили охирида – $34,5 \pm 2,4$ м.га тенг бўлган, статистик фарқ мажуд эмас.

(марта, %)

(метр, %)



2-расм. 14 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикаси (n=267)

Изоҳ: НГ ЎЙБ – назорат гуруҳи ўқув йилининг бошида, ТГ ЎЙБ – тажриба гуруҳи ўқув йилининг охирида

11-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний ривожланишини ёшга хос динамикасини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибаларда қуйидаги натижалар аниқланди.

Ривожланганлиги даражаси ҳар хил бўлган ўқувчиларнинг ўзига хос жисмоний ривожланиши кўрсаткичлари динамикаси ўрганилганда, 8-синф ўқувчиларининг бўйини узунлиги ўқув йили бошида ўртача – 157,9±4,7 см.га, йил охирида – 163,1±3,1 см.га тенг бўлган. Олинган натижалар йил давомида 5,2 см.лик фарқни кўрсатди. Юқоридаги натижаларда ҳам жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари орасидаги фарқлар ишончли эмас ($P>0,05$) (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

14 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши кўрсаткичлари, (n=213)

Т/р	Кўрсаткичлари	Ўқув йилининг бошида		Ўқув йилининг охирида		Фарқи	%	t	P
		X±σ	V%	X±σ	V%				
1.	Бўйи	157,9±4,7	2,9	163,1±3,1	1,9	5,2	3,2	1,38	>0,05
2.	Вазни	45,9±2,5	5,4	48,6±1,9	3,9	2,7	5,9	1,14	>0,05
3.	Кўкрак қафаси айланаси	73,1±3,8	5,1	76,4±2,7	3,5	3,3	4,5	1,61	>0,05

Жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ёшга қараб ўзгаришини айтиб ўтдик. 14 ёшли ўқувчиларнинг тана оғирлиги бўйича ривожланиш жараёнларига

тўхталсак, унга кўра ўқувчиларнинг тана оғирлик ўлчамлари ўқув йили бошида ўртача – 45,9±2,5 кг.га тенг, ўқув йили охирида эса бу кўрсаткич – 48,6±1,9 кг.га тенг бўлган. Бу ёшдаги ўқувчиларнинг жисмоний ривожланишида тана оғирлигини ортиши кўрсаткичларидаги йиллик ўсишнинг фарқи – 2,7 кг.га тенг бўлган (5,9%).

Педагогик кузатишлар давомида биз ҳар хил турдаги тана тузилишига эга 8-синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши кўрсаткичларини ўлчаганимизда, ўқув йили бошида ўқувчиларнинг кўкрак қафаси айланасини узунлиги – 73,1±3,8 см.га, ўқув йили охирида эса – 76,4±2,7 см.га тенг эканлиги аниқланди. Ушбу ёшдаги ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши кўрсаткичларидаги йиллик ўсиш фарқи 3,3 см.га тенг (4,5%). Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончли эмас ($P>0,05$) (3-жадвалга қаранг).

4-жадвал

15 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши кўрсаткичлари, (n=223)

T/p	Кўрсаткичлари	Ўқув йилининг бошида		Ўқув йилининг охирида		Фарқи	%	t	P
		X±σ	V%	X±σ	V%				
1.	Бўйи	162,8±5,1	3,1	167,7±3,9	3,2	4,9	3,0	1,84	>0,05
2.	Вазни	50,5±3,2	6,3	53,6±2,1	3,9	3,1	6,1	2,92	<0,05
3.	Кўкрак қафаси айланаси	76,4±4,4	5,7	79,9±3,0	3,8	3,5	4,6	1,34	>0,05

15 ёшли ўқувчиларни морфофункционал ривожланиш кўрсаткичларининг ёш жиҳатдан ўзгариши қонуниятлари ўрганилганда, тана узунлиги кўрсаткичлари ёшга боғлиқ ҳолда мунтазам ортиб бориши кузатилди, ўқув йили бошида ушбу кўрсаткич – 162,8±5,1 см.ни, йил охирида – 167,7±3,9 см.ни ташкил қилган (4-жадвалга қаранг).

9-синф ўқувчиларида тана оғирлиги кўрсаткичлари ҳам ёш улғайиши билан ортиб бориши кузатилган, ўқувчиларнинг тана оғирлиги ўлчамлари ўқув йили бошида ўртача – 50,5±3,2 кг.га тенг, ўқув йили охирида эса – 53,6±2,1 кг.га етгани аниқланди. Бу ёшдаги ўқувчилар тана оғирлигининг ортиши кўрсаткичларидаги йиллик фарқ – 3,1 кг.га тенг бўлган (6,1%). Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончли эмас ($P>0,05$).

15 ёшли ўқувчиларда жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ўлчанганда, ўқув йили бошида кўкрак қафаси айланасининг узунлиги – 76,4±4,4 см.га, ўқув йили охирида – 79,9±3,0 см.га тенглиги, жисмоний ривожланиш кўрсаткичларидаги йиллик ўсиши фарқи – 3,5 см.га тенглиги аниқланди (4,6%). Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончли эмас ($P>0,05$) (4-жадвалга қаранг).

Тажриба гуруҳида жисмоний машқлар билан шуғулланиш учун дастурлар ишлаб чиқилди. Бу дастурларга ривожланишида ортда қолган жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган машқлар мажмуаси киритилди. Бу турдаги машғулотларни ташкил қилиш жадвали диссертациянинг иккинчи бобидан баён қилинган.

11-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний сифатларини ривожлантиришда машқлар мажмуасини қўллаш методикаси (осилиб туриб машқ бажариш) қуйидагича такомиллаштирилди (5-жадвалга қаранг).

Тажриба гуруҳида жисмоний машқлар билан шуғулланиш учун дастурлар ишлаб чиқилди. Бу дастурларга қолоқ жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган машқлар мажмуаси киритилди. Бу турдаги машғулотларни ташкил қилиш жадвали иккинчи бобда берилган.

5-жадвал

11-15 ёшли ўқувчиларнинг тезкор-куч сифатини ривожлантирувчи машқлар мажмуаси

№	Назорат машқлари	11-12	13-14	15	11-12	13-14	15	11-12 ёш	13-14 ёш	15 ёш
		ёш	ёш	ёш	ёш	ёш	ёш	Юрак қисқаришлар сони (зар/дақ)		
		Такрорлашлар сони (марта)			Давом этиш вақти (сония)					
1.	Гимнастика деворида тўғри оёқларни горизонтал ҳолатда кўтариш (бурчак осилиш)	2-3	3-4	4-5	2-3	3-4	4-5	126,2±7,35	131,3±8,12	125,5±7,22
2.	Турникнинг юқори қисмини ушлаб, танани текис туриб осилиш (оёқлар полга тегмаслиги керак)	2-3	3-4	4-5	20-25	25-30	30-35	122,1±6,36	127,2±7,25	131,2±6,53
3.	Турникни юқоридан ушлаб олдинга ва орқага тебраниш	3-4	4-5	5-6	20-25	25-30	30-35	136,2±6,28	140,9±7,23	138,4±8,29
4.	Турникни юқоридан ушлаб турган ҳолатдан оёқларни букиб силтаниш	2-3	3-4	4-5	20-25	25-30	30-35	124,5±7,21	127,5±8,14	126,6±6,40
5.	Турникка оддий осилиб туришдан ияги турникдан юқори бўлгунга қадар қўлларни букиш (сония ушлаб туриш, оёқлар жуфт ва тўғри бўлиши керак)	3-4	4-5	5-6	3-4	5-6	6-7	130,6±5,45	133,6±6,32	135,3±6,50
6.	Кўшпояда қўлларга таяниб осилиш	2-3	3-4	4-5	8-10	12-15	17-20	128,4±7,36	134,4±8,15	131,7±7,19
7.	Кўшпояда тирсақларга таяниб тебраниш	3-4	4-5	5-6	10-12	13-15	17-20	130,1±5,52	133,2±7,41	132,9±6,49
8.	Ҳалқаларга сакраб чиқиб, қўлларга таяниб оёқларни олдинга ва орқага силташ	2-3	3-4	4-5	15-20	20-25	25-30	137,9±7,24	139,1±8,29	140,3±6,29

Тезкор-куч сифатини ривожлантирувчи машқлар мажмуаси. Гимнастика деворида тўғри оёқларни горизонтал ҳолатда кўтариш (бурчак осилиш) машқи қўлланилиш шиддати ва ҳажми меъёрлари қуйидагича белгиланди: қўлланилган машқларидан сўнг шуғулланувчиларнинг ЮҚС кўрсаткичлари бир дақиқада 11-12 ёшли ўқувчиларда ўртача – 126,2±7,35 зарба атрофида, 13-14 ёшлиларда – 131,3±8,12 зарба, 15 ёшлиларда – 125,5±7,22 зарба атрофида бўлади. Машқлар ёшга қараб 02-05 сония вақт оралиғида давом этади.

Бажаришлар сони: 11-12 ёшлилар учун 2-3 марта, 12-13 ёшлилар учун 3-4 марта, 15 ёшлилар учун 4-5 марта.

Турникнинг юқори қисмини ушлаб, танани текис тутиб осилиш (оёқлар полга тегмаслиги керак). Қўлланилган машқдан сўнг шуғулланувчиларнинг ЮҚС кўрсаткичлари бир дақиқада: 11-12 ёшлиларда ўртача – $122,1 \pm 6,36$ зарба, 13-14 ёшлиларда – $127,2 \pm 7,25$ зарба, 15 ёшлиларда – $131,2 \pm 6,53$ зарба атрофида бўлади. Машқлар ёшга қараб 20-35 сония вақт оралиғида давом этади. Бажаришлар сони: 11-12 ёшлилар учун 2-3 марта, 12-13 ёшлилар учун 3-4 мартадан, 15 ёшлилар учун 4-5 марта.

Турникни юқоридан ушлаб олдинга ва орқага тебраниш. Қўлланилган машқдан сўнг шуғулланувчиларнинг ЮҚС кўрсаткичлари бир дақиқада: 11-12 ёшлиларда ўртача – $136,2 \pm 6,28$ зарба, 13-14 ёшлиларда – $140,9 \pm 7,23$ зарба, 15 ёшлиларда – $138,4 \pm 8,29$ зарба атрофида бўлади. Машқлар ёшга қараб 20-35 сония вақт оралиғида давом этади. Бажаришлар сони 11-12 ёшлилар учун 3-4 марта, 12-13 ёшлилар учун 4-5 марта, 15 ёшлилар учун 5-6 марта.

Турникни юқоридан ушлаб турган ҳолатда оёқларни букиб силтаниш. Қўлланилган машқдан сўнг шуғулланувчиларнинг ЮҚС кўрсаткичлари бир дақиқада: 11-12 ёшлиларда ўртача – $124,5 \pm 7,21$ зарба, 13-14 ёшлиларда – $127,5 \pm 8,14$ зарба, 15 ёшлиларда – $126,6 \pm 6,40$ зарба атрофида бўлади. Машқлар ёшга қараб 20-35 сония вақт оралиғида давом этади. Бажаришлар сони 11-12 ёшлилар учун 2-3 марта, 12-13 ёшлилар учун 3-4 марта, 15 ёшлилар учун 4-5 марта.

Турникка оддий осилиб туришдан ияги турникдан юқори бўлгунга қадар қўлларни букиш (сония ушлаб туриш, оёқлар жуфт ва тўғри бўлиши керак). Қўлланилган машқдан сўнг шуғулланувчиларнинг ЮҚС кўрсаткичлари бир дақиқада: 11-12 ёшлиларда ўртача – $130,6 \pm 5,45$ зарба, 13-14 ёшлиларда – $133,6 \pm 6,32$ зарба, 15 ёшлиларда – $135,3 \pm 6,50$ зарба атрофида бўлади. Машқлар ёшга қараб 03-07 сония вақт оралиғида давом этади. Бажаришлар сони 11-12 ёшлилар учун 3-4 марта, 12-13 ёшлилар учун 4-5 марта, 15 ёшлилар учун 5-6 марта.

11-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний сифатларини ривожлантиришда машқлар мажмуасини қўллаш методикаси (жуфтликда машқ бажариш) қуйидагича такомиллаштирилди (6-жадвалга қаранг).

Тезкор-куч сифатини ривожлантирувчи машқлар мажмуаси. Тўлдирма тўпни узатиш (ёнма-ён қаторда тўпни ён томондан олиб, шеригига узатиш) машқи қўлланилиш шиддати ва ҳажми меъёрлари қуйидагича белгиланди: қўлланилган машқларидан сўнг шуғулланувчиларнинг ЮҚС кўрсаткичлари бир дақиқада 11-12 ёшлиларда ўртача – $129,1 \pm 6,02$ зарба, 13-14 ёшлиларда ўртача – $131,5 \pm 6,29$ зарба, 15 ёшлиларда – $128,2 \pm 7,36$ зарба атрофида бўлади. Машқлар ёшга қараб 20-45 сония вақт оралиғида давом этади.

Бажаришлар сони: 11-12 ёшлилар учун 3-4 марта, 12-13 ёшлилар учун 4-5 марта, 15 ёшлилар учун 5-6 мартадан бажаришга тўғри келди.

Биринчи шуғулланувчи таяниб ётади, иккинчи шуғулланувчи унинг оёғидан ушлайди. Биринчи шуғулланувчи қўлларини букади ва тўғрилайди. Қўлланилган машқдан сўнг шуғулланувчиларнинг ЮҚС кўрсаткичлари бир дақиқада: 11-12 ёшлиларда ўртача – $137,2 \pm 7,33$ зарба атрофида, 13-14 ёшлиларда

–139,5±9,20 зарба, 15 ёшлиларда – 135,3±6,09 зарба атрофида бўлади. Машқлар ёшга қараб 15-25 сония вақт оралиғида давом этади. Бажаришлар сони 11-12 ёшлилар учун 2-3 марта, 12-13 ёшлилар учун 3-4 мартадан, 15 ёшлилар учун 4-5 марта.

6-жадвал

11-15 ёшли ўқувчиларнинг эгилувчанлик сифатини ривожлантирувчи машқлар мажмуаси

№	Назорат машқлари	11-12	13-14	15	11-12	13-14	15	11-12 ёш	13-14 ёш	15 ёш
		ёш	ёш	ёш	ёш	ёш	ёш	Юрак қисқаришлар сони (зар/дақ)		
		Такрорлашлар сони (марта)			Давом этиш вақти (сония)					
1.	Тўлдирма тўпни узатиш (ёнма-ён қаторда тўпни ён томондан олиб, шеригига узатиш)	3-4	4-5	5-6	20-25	30-35	40-45	129,1±6,02	131,5±6,29	128,2±7,36
2.	Биринчи шуғулланувчи таяниб ётади, иккинчи шуғулланувчи унинг оёғидан ушлайди. Биринчи шуғулланувчи қўллари букади ва тўғрилайди	2-3	3-4	4-5	15	20	25	137,2±7,33	139,5±9,20	135,3±6,09
3.	Биринчи шуғулланувчи таяниб ётади, иккинчи шуғулланувчи унинг оёғидан ушлайди. Биринчи шуғулланувчи қўлларда ҳаракатланади	2-3	3-4	4-5	15	20	25	143,5±5,16	146,7±8,19	147,4±7,44
4.	Ҳар икки шуғулланувчи оёқларини очиб, панжалар билан тиралиб ва бир-бирига бармоқлар билан боғланиб ўтириб, оёқ ва қўлларни букмасдан куч билан бир-бирини тортишиш	3-4	4-5	5-6	20-25	30-35	40-45	121,2±5,15	127,8±7,48	126,9±6,22
5.	Орқама-орқа ўтириб қўллар ўралган. Иккинчи шуғулланувчи олдинга эгилиб, биринчисини кўтаради. Биринчи шуғулланувчи белига ётиб, керилади, оёқларини олдинга кўтаради (навбат билан)	3-4	4-5	5-6	20-25	30-35	40-45	123,4±6,04	125,6±7,40	122,2±8,16
6.	Икки киши эркин туришда бир-бирига бармоқлари билан боғланадилар, куч билан бир-бирини тортадилар	3-4	4-5	5-6	25-30	35-40	45-50	128,6±7,36	134,3±8,15	131,4±7,19
7.	Оёқларни букиб ва қўллар билан ўралиб қарама-қарши ўтириш. Оёқларни тўғрилаш ва букиш	2-3	3-4	4-5	20-25	30-35	40-45	131,3±5,44	134,2±6,11	132,6±8,32

Биринчи шуғулланувчи таяниб ётади, иккинчи шуғулланувчи унинг оёғидан ушлайди. Биринчи шуғулланувчи қўлларида ҳаракатланади.

Қўлланилган машқдан сўнг шуғулланувчиларнинг ЮҚС кўрсаткичлари бир дақиқада: 11-12 ёшлиларда ўртача $143,5 \pm 5,16$ зарба, 13-14 ёшлиларда – $146,7 \pm 8,19$ зарба, 15 ёшлиларда – $147,4 \pm 7,44$ зарба атрофида бўлади. Машқлар ёшга қараб 15-25 сония вақт оралиғида давом этади. Бажаришлар сони 11-12 ёшлилар учун 2-3 марта, 12-13 ёшлилар учун 3-4 мартадан, 15 ёшлилар учун 4-5 марта.

